

**ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КОРХОНАЛАРИДА РАҚОБАТБАРДОШЛИКНИ
ОШИРИШ ОМИЛЛАРИ**

Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, и.ф.д.

Обид Мамаюнусович Пардаев
Тошкент Давлат Иқтисодиёт университети кафедра муdiri, доцент, PhD.

Дилшод Субонкулович Пардаев
Самарқанд шаҳри Касбий кўникмалар маркази директори

Аннотация

Мақолада хизмат кўрсатиш корхоналарида рақобатбардош-ликни ошириш омиллари қараб чиқилган. Бунда барча омиллар ўн икки гуруҳга бўлинган ҳолда қисқача изоҳланган. Турли соҳаларда фаолият кўрсатаётган корхоналар рақобатбардошлигини оширишда маҳсулот ва хизматларнинг сифатини ошириш масаласи, замонавий инновацияларни жорий қилишни ташкил қилиш, самарали бошқарувни йўлга қўйиш, малакали кадрлар билан таъминлаш, жозибador ва ишончли маркетингни жорий қилиш, мақсадли инновация ва доимий мижозларга эга бўлиш лозимлиги қисқа қилиб ёритилган.

Калит сўзлар: Хизмат, хизмат кўрсатиш, рақобат, рақобатбардошлик, инновация, инвестиция, сифат, хизмат сифати, стратегия, техника, технология, иқтисодий самарadorлик, барқарорлик, ташки муҳит, рақобат устунлиги.

Introduction

Кириш мавзунинг долзарблиги

Ҳозирги пайтда рақобатбардошликни оширишнинг долзарблиги жуда юқори, чунки у корхонанинг ҳам, иқтисодиётнинг ҳам барқарор ривожланишини таъминлайди. Чунки корхоналар асосан хусусий мулкка асосланганлиги туфайли фойдасидан наф кўриши ҳам, зарарлардан азият чекиши ҳам ўзига юкланади. Шу туфайли ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўзининг рақобатбардошлигини оширишга ҳаракат қилади. Муҳими уларнинг бу ишлари учун ҳар бир хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзлари масъул. Бу борада Ўзбекистон Республикасида “Рақобат тўғрисида”ги қонун Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил 14 февралда қабул қилинган. Сенат томонидан 2023 йил 2 мартда маъқулланган. Кўриниб турибдики, ушбу масала мамлакатимизда қонун билан тартибга солинган.

Рақобатбардошликни мустаҳкамлаш учун ҳар бир хўжалик юритувчи субъект бозорда муваффақиятли рақобат қила олиши лозим. Чуунки, рақобатбардошликни оширган корхона рақиблардан ўтиб кетиши, ўз улушини кенгайтириши, мижозлар эҳтиёжини тезроқ қондиришга ҳаракат қилиб боради. Шунингдек, мазкур субъект иқтисодий

самарадорликни оширади. Зеро, рақобатбардош корхона ўзининг харажатларни оптималлаштиради, ресурслардан самарали фойдаланади, маҳсулот (хизмат) сифатини мунтазам равишда ошириб бориш стратегияси билан ишлайди. Чунки рақобат кучаяётган ҳозирги шароитда янги технологиялар, рақамли ечимлар, маҳсулот ва хизматлар дизайни янгиланиб бориши лозим. Бу эса ўз навбатида инновацияларни рағбатлантириш устида ҳам бош қотиришга тўғри келади. Кўриниб турибдики, мазкур масала бугунги кунда ўз моҳияти жиҳатидан ўта долзарб мавзулардан бири сифатида қаралади.

Тадқиқот методологияси

Мақолани тайёрлаш жараёнида қўлланилиши мумкин бўлган турли методологик йўналишлардан, хусусан, индукция ва дедукция, макон ва замон, таҳлил ва синтез, мантикий таҳлил каби методологик ёндошувлардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар

Бугунги кунда корхоналарнинг хусусан, хизмат кўрсатиш субъектларининг ҳам рақобатбардошлиги, бевосита унинг бозорда рақибларга нисбатан устунликка эга бўлиши ва барқарор фаолият юритиш қобилятининг мавжудлиги билан белгиланади. Ҳозирги глобаллашган, иқтисодиёт интеграциялашган шароитда рақобатбардошликни мустаҳкамлаш учун бир қанча омиллар ва жараёнлар орқали амалга ошириш мумкин бўлади. Булар:

Биринчидан, **маҳсулот ва хизмат сифатини ошириш йўли билан** жаҳон стандартларига мос маҳсулот ишлаб чиқариши лозим бўлади. Бунда сифат назорати тизимини жорий этишга (ISO стандартлари) асосий эътибони қаратиш билан бирга ҳамкорлар билан ўзаро ишончлилик, узок муддат давомида кафолатланган хизматларини ҳам амалга оширади.

Иккинчидан, **инновация ва технологияларни жорий қилиш йўли билан** ҳам рақобатбардошлик мустаҳкамланади. Бунда янги технологияларни жорий этиш, автоматлаштириш ва рақамлаштириш масалалари билан бирга илмий тадқиқотлар ва ишланмалардан ҳам фойдаланишни тақозо қилади. Чунки жаҳон иқтисодиёти шиддат билан тараққий этаётган замонда янги инновацион технологияларни жорий қилиш учун албатта илмий-тадқиқотлар билан ҳам мунтазам шуғулланиб боришни тақозо қилади.

Учинчидан, **тараққиётнинг тўғри стратегиясини шакллантириш ва маркетингни такомиллаштириш орқали** ҳам эришиш мумкин. Бунинг учун ҳар бир хўжалик юритувчи субъект бозор талабини ўрганиши, мақсадли сегментни аниқлаши, тўғри ва адолатли ҳаракатлар билан шериклар (ҳамкорлар) ишончига сазовар бўлиш лозим бўлади. Бунда самарали реклама ва маркетинг каналларидан ҳам фойдаланишни тақозо қилади. Тараққиётнинг тўғри стратегиясини шакллантиришда самарали ва ишончли рекламанинг аҳамияти ҳам катта.

Тўртинчидан, **иқтисодий самарадорликка эришиш йўли билан** ҳам ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўзининг рақобатбардошлигини мустаҳкамлаб олади. Бунда таннархни пасайтириш, ресурслардан тежамкор фойдаланиш, молиявий барқарорликни сақлаш

жараёнлари ҳам муҳим роль ўйнайди. Бундан ташқари иқтисодий самарадорликнинг бошқа омилларидан ҳам фойдаланиш лозим бўлади. Айикса, малакали кадрларни жалб қилиш орқали меҳнат унумдорлигини ошириш ҳам муҳим омиллардан ҳисобланади.

Бешинчидан, **меҳнат ресурсларини такомиллаштириш ва кадрлар салоҳиятини ошириш йўли билан** амалга оширилади. Ушбу гуруҳ омиллар рақобатбардошликни мустаҳкамлашда энг муҳим йўналишлардан биридир. Бунда малакали ходимлар жалб қилинган бўлиб, улардан янада самарали фойдаланиш учун мотивация ва рағбатлантириш тизими ҳам йўлга қўйилади. Янгиликлардан хабардор бўлиб туриши ва улардан ўз фаолиятида фойдаланиши учун уларни доимий ўқитишни ҳам ташкил қилиш ҳамда узлуксиз малакаларини ошириб бориш лозим бўлади. Шу тариқа соҳани жадал ривожлантиришга эришилади.

Олтинчидан, рақобатбардошликни мустаҳкамлаш учун **ташкилий бошқарувни тўғри йўлга қўйиб ва менежментни такомиллаштириш** ҳам лозим бўлади. Бундаги энг муҳим тадбирлар самарали раҳбарликни йўлга қўйиб, корхона ичида ходимларга аниқ вазифалар тақсмотини ҳам йўлга қўйиш лозим. Бунда мавжуд жараёнларни оптималлаштириш орқали яхши корпоратив маданиятни ҳам шакллантиришни тақозо қилади.

Еттинчидан, муҳим йўналишлардан бири **мижозларга йўналтирилган хизматларни яхшилаш йўли билан** ҳам мувоффақиятларга эришилади. Бунда энг аввало, мижозлар эҳтиёжини ўрганиш орқали уларга зарур бўлган хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ҳамда доимий мижозлар билан узоқ муддатли муносабатлани шакллантириш лозим бўлади. Рақобатбардошликнинг бардавомлигини таъминлаш учун имкон қадар мижозларни йўқотмасдан уларнинг сонини мунтазам равишда ошириб боришга эришиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Саккизинчидан, мувоффақиятларнинг яна бир йўналиши **рақобат устунликларини яратиш йўли билан** ҳам эришилади. Бунинг учун ноёб маҳсулот ёки хизматларни ташкил қилиш, бозорда тезкор ҳаракатларни таъминлаш, қўшимча қиймат яратиш билан шуғулланишни тақозо қилади. Рақобат устунлигини яратишнинг яна бир йўналиши ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнларига самарали технологияларни жорий қилиш билан ҳам боғлиқдир. Булар ҳам етук малакали кадрларнинг мавжудлиги билан боғлиқдир.

Тўққизинчидан, ҳар бир хўжалик юритувчи субъект рақобатбардошликни таъминлаши учун **ташқи муҳит билан мослашиш йўлини** ҳам қилиши лозим. Бунда мавжуд қонунчилик, солиқ, валюта, бозор ўзгаришларига ҳам тез мослашиши лозим. Бунда албатта чет эл бозорларига чиқиш имкониятларини ҳам топиш лозимдир. Ҳозирги шароитда ҳар қандай маҳсулот ёки хизмат хорижий истеъмолчиларга сотиладиган ёки кўрсатиладиган бўлса, бу албатта самарали бўлади. Шу туфайли ташқи муҳитга мослашиш ҳар бир корхонанинг муҳим вазифаларидан бири бўлмоғи лозим.

Ўнинчидан, рақобатбардошликни мустаҳкамлашда ҳар бир корхона **бренд ва обрўга сазовар бўлиши** ҳам мақсадга мувофиқ. Бунинг учун корхонанинг ижобий имижини, ҳамкорлар ишончлигига сазовар бўлиши ва бунинг учун ўзаро муносабатда катта масъулият билан ёндошишни талаб қилади. Бундан ташқари маҳсулот ва хизматлар

сифтини пасайтирмасликка эришиши ҳам мақсадга мувофиқ бўлади. Мижозлар қониқишини ошириш ҳам ушбу гуруҳ омилларга киради. Бунинг учун рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқарилиши лозим. Бунда асосий эътибор унинг сифатига, ҳар томонлама қулайлигига, уларнинг бозор талабига мослигига ҳам эътибор қаратилади.

Ўн биринчидан, **экспорт салоҳиятини кучайтириш** ҳам лозим бўлади. Бунинг учун халқаро бозорда рақобатбардош бўлишни, валюта тушумини мунтазам равишда ошириб боришни тақозо қилади. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатнинг иқтисодий нуфузини кўтаришга ҳисса қўшади.

Ўн иккинчидан, рақобатбардошликни мустаҳкамлашнинг яна бир омилларидан бири **инвестицияларни мақсадли жалб қилишдан иборат**. Шу йўл билан салоҳиятли ва рақобатбардош бизнес шакллантирилади. Агар хўжалик юритувчи субъектлар самарали фаолият кўрсатаётган, инвестициялардан самарали фойдаланаётган бўлса, бу маҳаллий ва хорижий инвесторлар учун жозибадор бўлади ва бу молиявий барқарорликни таъминлайди. Эга бўлади. Барқарор ривожланишни таъминлаш орқали корхонанинг рақобатбардошлигини узоқ муддатга таъминлайди. Бундай корхоналар хавф-хатарларга бардошли бўлиши билан бирга бозор ўзгаришларига ҳам тез мослаша олади.

Хулоса қилиб айтганда, корхоналар рақобатбардошлигини оширишда маҳсулот ва хизматлар сифати, замонавий инновация, самарали бошқарув, малакали кадрлар, жозибадор маркетинг, мақсадли инновация ва доимий мижозларга эга бўлиш лозим экан. Ушбу инновацион замонавий омиллар бирлашган ҳолда таъсир кўрсатиши корхоналар рақобатбардошлигини барқарор равишда таъминлайди.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасида “Рақобат тўғрисида”ги қонун. Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил 14 февралда қабул қилинган. Сенат томонидан 2023 йил 2 мартда маъқулланган.
2. Шавкат Мирзиёев. Янги Ўзбекистон Стратегияси. – Т.: “Ўзбекистон” нашриёти, 2021. – 464 бет.
3. Шавкат Мирзиёев. Ҳозирги замон ва Янги Ўзбекистон. – Т.: “Ўзбекистон” нашриёти, 2024. – 560 бет.
4. Mamayunus Karshibaevich Pardaev, Olim Mamayunusovich Pardaev, Umidjon Normurad ogli Normuradov. As an Innovative Factor of Trade Cluster Concept and it's Theoretical Issues. //The American Journal of Management and Economics Innovations (ISSN - 2693-0811) published: July 27, 2021 | Pages: 1-6. Doi:<https://doi.org/10.37547/tajmen/Volume03Issue07-01>. 2021; 5.562-0,4 6.Т.
5. Пардаев М.Қ. ва бошқалар. Рақобатбардошликни мустаҳкамлашда кластер ва синергетик самарадорлик таҳлили. Ўқув қўлланма. – Т.: “Фан ва технологиялар нашриёт-матбаа уйи”, 2024. – 228 бет.
6. Холикулов А.Н., Усманова Д.Қ., Рахимов Х.А. Корхоналарни рақобатбардошлигини баҳолаш. Ўқув қўлланма. Самарқанд.: “Турон нашр” нашриёти, 2021. – 212-бет.